



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 21 июнь, № 120 (4273)

Пайшанба

## Ёшлик, эпчиллик, гўзаллик намойиши

Мен барча ўгил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи деб биламан.

Ислом КАРИМОВ



Бугун Тошкентда олий ўқув юртлари талабаларининг гўзаллик ва нафосат байрами — «Универсиада — 2007» спорт ўйинлари бошланади.



Пойтахтимизда ушбу спорт тадбирига жиддий ҳозирлик қўрилди. Тадбир муносабати билан меъморий ечими бир-бирини такрорламайдиган спорт иншоотлари қад ростлади. Айниқса, «Универсиада — 2007» дастуридаги асосий спорт ўйинлари бўлиб ўтадиган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари амалга оширилди. Қўсқаси, жонажон пойтахтимизда талабалар

спорт байрамини юксак савияда ўтказиш учун барча ҳозирлик ишлари қўриб кўйилди. 20 июнь, соат 10.40. Тошкент аэропорти байрамона безатилган. Карнай-сурнай садолари анграйди. Қўллариди гул тугган юзлаб талаба ёшлар, мураббийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари «Универсиада — 2007» иштирокчиларини кутиб олишга тўпланишган. Хоразм, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари биринчакетин ташриф буюрадидилар.

— Мен «Универсиада» дастуридаги сузиш мусобақаларида қатнашман, — дейди Урганч Давлат университети талабаси Инобат Собирова. — Кейинги йилларда вилоятимизда ҳам кўплаб сузиш ҳавзалари қурилади. Президентимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларини доимо ҳис қилиб турибмиз. Насиб этса, ўқиш ва спортдаги ютуқларимиз, меҳнатимиз билан бунга жавоб берамиз. Мураббий Маҳмуд Раҳимовнинг айтишича, кураш бўйича Хоразм ви-

лоят терма жамоасига энг сара полвонлар тўпланган. Икки қара жаҳон чемпиони Алишер Қурёзов, Ўзбекистон биринчиликлари совриндорлари Дилмурод Маҳмудов, Нурбек Искандаров ва бошқа курашчилар совринли ўрин учун кураш олиб боришларини яшириб ўтиришмади. — Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида энгил атлетиканинг билаңдикка сакраш баҳсларида қатнашганман, — дейди Термиз давлат университети I курс талабаси Феруза Мағатова. — Ушанда 1 метр 40 сантиметр натижа билан туртинчи ўринни эгаллагандим. Шундан сўнг талаба бўлиш насиб этди. Бир неча мусобақаларга қатнашиб, кўрсаткичмини анча яхшиладим. Энди биринчилик учун курашман. Шунини алоҳида таъкидлаш лозим-

ки, «Универсиада» иштирокчиларининг кўпчилиги пойтахтимизга биринчи бор ташриф буюришаёпти. Улар ташрифдан бир олам таассурот олганликларини мамнуният билан гапириб беришди. Кеча куннинг иккинчи ярмида Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Навоий, Жиззах, Қашқадарь, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидан келган талаба-спортчилар ҳам Тошкент темир йўл вокзалида кутиб олинди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари Р. Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўтаев иштирок этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Темур ҚУРБОНОВ  
олган сурат.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Нефть ва энергетика ҳамда галла мустақиллиги дейимизи, Ўзбекистон саноати учун янги соҳа — автомобилсозликнинг йўлга қўйилиши дейимизи, тўқимачилик саноатини тубдан модернизация қилиш ёки лицей, коллеж ва янги мактаблар қуриш дейимизи — бу ўзгаришларни санаб чиқишнинг ўзидек анча вақт талаб қилади.



## Йўлларимиз ҳамиша очиқ ва равон бўлсин

Хар қайси мамлакат ҳаёти ва тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётнинг қон томири бўлган йўлларни таъмирлаш, кенгайтириш, янгиликларини бунёд этиш борасида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳам ана шу ўзгариш ва янгиликларнинг силсиласида алоҳида ўрин тутди. Чунки йўллар нафақат иқтисодий ривожланишга, айна вақтда халқнинг ҳаёт тарзи, маданияти, руҳи ва кайфиятига ҳам бекиёс таъсир ўтказди. Буни ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида яхши биламиз. Умримизнинг қоқ ярни йўлларда ўтди, деб ёзган эди машур шоиримиз. Менинг ҳам, кўпгина юртдошларимиз каби, хизмат тақозоси ёки оилавий юмушлар туфайли «Тошкент-Термиз» қатта ўзбек тракти, пойтахтимизнинг Фарғона водийси билан боғлайдиган «Тошкент-Ўш» халқаро автомобиль йўли каби автомагистраллар бўйлаб кўп қатнамизга тўри келади. Қамчиқ довоғи орқали ўтадиган йўл илгари илонизи сўқмоқчи эслар эди. Иккита машина рубурў келиб қолса, зўрға сирғарди ёки бири иккинчисининг ўтишини кутиб турарди. Хавфли бурилишлар, ўйдим-чуқурлар, чанг-тўзонни куя қўяверинг...

ён этиб турибди. Германия технологияси асосида таъмирланган, икки ёнида замонвий инфратузилма — меҳмонхона ва дам олиш масканлари, савдо ва маший хизмат шохобчалари барпо этилаётган бу йўлдан ўтган ҳар қандай одам йўлсозлар меҳнатига тасанно айтади, қорли тоғлар, мусалфо осмонга боқиб дили ярайди, юртимизнинг гўзал ва бетакрор манзаралари, қўрқу тароватига мафтун бўлади... Ёки «Тошкент-Термиз» йўлининг кейинги йилларда мулқоло янги қиёфа касб этганини олайлик. Яқинда бу йўлнинг Жиззах шаҳри четиди тепалик орқали ўтадиган бўлағида реконструкция ишлари тугалланди. Эндиликда автомобильлар Амр Темур дарвозаси деб аталадиган жойдаги сой бўйлаб бурама йўллардан айланиб ўтмасдан, тепалиқдан мазкур йўлнинг янги очилган қисми орқали тўри Самарқанд йўналишига тушиб олиш имконига эга бўлди. Шунингдек, «А-380» Фузур-Кўнғирот-Бейнов халқаро йўлининг Бухоро вилояти ҳудудиди 10 километрик бошланғич қисми бўғунай реконструкция қилиниб, эни ўн беш метргача кенгайтирилди. Бу ерда 2 миллирдан сўмлик иш бажарилди. Газли йўл қурилиши қорхонаси директори Саъдулла Абдуллаевнинг айтишича, ҳозир ушбу трассанинг навбатдаги 25 километрик қисмида иш қизғин давом этмоқда. Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимизда автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш ишларига мутасадди бўлган «Узавтйўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилаётган ана шундай катта миқёсдаги ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаш жоиз. Агар мамлакатимиз йўл тармоғининг умумий узунлиги 183 миң 700 километрдан ортқ эканини кўз олдимизга келтирсак, бу ишлар қўламини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки, юртимиз ҳудудиди

Давлатимиз раҳбарининг эътибори, мамлакатимиз йўлсозларининг фидокорона меҳнати билан бу йўл кенг ва равон, транспорт иккиёқлама бемалол ҳаракатлана оладиган замонвий автомагистралга айланади.

Шу кунларда бу йўлнинг Қўшминор аҳоли пунктидан Қўқон шаҳригача бўлган қисмидан ўтсангиз, сифат жиҳатидан хорижикидан қолишмаслигига амин бўласиз. Қамчиқ довоғида бунёд этилган умумий узунлиги 2,5 километрик ташкил этадиган икки тунел эса йўлни яқин ва хавфсиз қилибгина қолмай, мамлакатимизнинг мустақиллик бахш этган имкониятларио халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намо-

дан амалга оширилаётган ана шундай катта миқёсдаги ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлаш жоиз. Агар мамлакатимиз йўл тармоғининг умумий узунлиги 183 миң 700 километрдан ортқ эканини кўз олдимизга келтирсак, бу ишлар қўламини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки, юртимиз ҳудудиди

(Давоми 2-бетда).

## ОТБ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осий тараққиёт банкининг Бельгия, Франция, Италия, Португалия, Испания ва Швейцария бўйича ижрочи директори Патрик Пиллон раҳбарлигидаги делегация 20 июнь кунини Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси раиси Равшан Файзуллаев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Осий тараққиёт банки (ОТБ) ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур нуфузли халқаро молия муассасаси кўплаб соҳалар сингари транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ислоҳ қилишда ҳам мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан саналади. Ўзбекистоннинг ОТБ билан транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлиги асосан темир йўл соҳасига қаратилган. 2005 йил апрель ойида мамлакатимиз билан Осий тараққиёт банки ўртасида имзоланган ўзаро ағлашув меморандумига мувофиқ, ОТБ гранти асосида «Ўзбекистон транспорт сектори» ривожлантириш стратегияси» лойиҳаси амалга оширилди.

— Ўзбекистон ОТБнинг ишончли ҳамкорларидан биридир, — деди Патрик Пиллон. — Ташриф асосида мамлакатимиз иқти-

## Тадбир

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази республика Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда конференция ўтказди.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

«Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан инсон ҳуқуқларини химоялаш соҳасидаги ҳамкорлиги» мавзусидаги мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, қўйи палата депутаты, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди раҳбарлари ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда сўзга чиққан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов, республика Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раҳбари Н. Ҳабибуллаев, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ва бошқалар инсон ҳуқуқларини химоя қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг тугган ўрни хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Анжуманда қўрилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

О. ШАВКАТОВ.

## ФАРҒОНА ЁНФОГИНИНГ ТОШИ ОФИРМИ?

Фарғона томонларда бўлганингизда Ёнғоқзор, Ёнғоқлиб, Ёнғоқлисий деган қишлоқларда меҳмон бўлгансизми? Бу кўҳна, тарихи узоқ асрларга бориб тақалладиган қишлоқлар нега жаннат меваси номи билан аталгани ҳақида ўйлаб кўргансизми?

Топонимшуносларнинг таъкидлашича, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларнинг номлари ўз-ўзидан, бирдангина пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг учун ўша топоним маълум жой учун қадриятли, қандайдир эзгу из қолдирган, маҳаллий аҳоли томонидан эътибор ва эъзоз толган бўлиши керак.

Биз юқорида тилга олган қишлоқларга аслида табиатнинг нәматларидан бири — ёнғоқ дарактига бўлган эҳтиром, ҳурмат, қолаверса, эътироф ифодаси сифатида шундай ном берилган.

(Давоми 2-бетда).

## ФАЗО ЧОРРАҲАСИДАГИ УЧРАШУВ

Шу йилнинг 18 июнь кунини осмоннинг Фарб томонида табиатнинг энг гўзал ҳодисаларидан бири — Зухро (Чўлпон) сайёрасининг Ой билан тўқилиши кузатилади. Зухро Кўшдан узоқлиги бўйича иккинчи сайёра бўлиб, улар орасидаги ўртча масофа 108 миллион километр. Ер-

дан Ойгача бўлган масофа эса атиги 384 миң километр. Шу кун Ой ўзининг осмон гўмбазига — гардун бўйлаб ҳаракати пайтида Ер билан Зухро сайёралари оралиғига тушиб, Зухрони, тахминан, 20 минутча тўсиб турди. Кейин Зухро яна Ой ортидан кўриниб, ундан узоқлашди ва аста-секин Кўш боғи томон рағона бўлди. Зухро чиқиб пайтида Ой ўроғининг қоқ тепасида гаваҳ торш мисол бир неча дақиқа туриб, мазарага алоҳида жозоба бахш этди. Бундай ҳодиса ҳеч қимми бефарқ

қолдириши мумкин эмасди. Балки ҳазрат Навоий ҳам ўзларининг

Кўшни бўлмас, эй гардун,  
ул оёғай айламоқ ташбиҳ,  
Ўғиз гар заррин, Чўлпон — кўз,  
янги Ой анга қош ўлсун

## Ҳодиса

мисраларини айнан шундай жозибали манзарани кузатиб ёзган бўлсалар, не ажаб? Ривоят қилишларича, бундай пайтларда энг эзгу ниётлар тилаш керак экан. Самарқанд университети талабаларининг кўп йиллардан бери кутган бир орзуси яқинда рўёбга чиқди. Кўҳна Самарқандда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун

Марказий Осийда замонвий телескоп билан жиҳозланган биринчи астрономик ўқув-илмий расадхонаси ишга тушди. Ҳозирда университет талабалари Ой гардиши таъбирланган, бош кўзгусининг диаметри 48 сантиметр бўлган мукаммал телескоп ёрдамида қиноватда ажоиб ҳодисаларни кузатиб келмоқдалар. Шу йилнинг 6 январь, 3 февраль ва 3 март кунлари университет талабалари Ой гардиши Сатурн сайёрасини ва Арслон юлдуз туркумидаги энг ёруғ юлдуз — Регулни тўсганини Самарқанддаги телескопда кузатиш имконига эга бўлишди. Зухро билан Ойнинг учрашув жозибасини ҳаяжон билан кузатаётган ёшларимизни қўриб, осмонимиз ҳар доим мана шундай мусалфо ва сокин бўлсин, юртимиз янада обод бўлсин, ёшларимиз Ватанимизнинг порлоқ келажаги нурларида тинч ва осойишта ҳаёт кечиришсин, деб ният қилдик.

Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ.  
ЎЗ ФА Астрономия институти.



Солиҳ Ҳошим:

«ТОШКЕНТНИНГ МУҲИМ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИНИ АКС ЭТТИРГАН ҚАРОР»

Аввал хабар қилинганидек, жорий йил август ойида Тошкентда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. У Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинганига бағишланади.

Айни пайтда конференция ташкилий қўмитасига анжуманда иштирок этишни режалаштираётган таниқли хорижий олимлар, Ўзбекистон тарихи ва замонавий ҳаётини тадқиқ қилишга ихтисослашган мутахассислар, халқаро илмий ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг мактублари келиб тушмоқда. Уларда юртимиз тарихи билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳамда олимлар томонидан амалга ошириладиган тадқиқотлар борасида сўз юритилган.

Куни кеча бўлажак учрашув иштирокчиларидан яна бири Араб университетлари иттифоқи бош котиби Солиҳ Ҳошимнинг мактуби олинди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилгани тўғрисидаги хабар мени чин дилдан қувонтирди. Албатта, бу қарор тасодифий эмас. У Ўзбекистон, жумладан, Тошкентнинг инсоният цивилизацияси тарихида туганган муҳим тарихий ўрни билан изоҳланади. Шу ўринда бу заминдан етишиб чиққан қатор олимлар, маданият, дин ва давлат арбоблари жаҳон маданияти юксалишига бекиёс ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар нафақат диний ва дунёвий фанларнинг қўллаб-қувватлашига асос солган, балки ўз асарлари билан уларнинг ривожига бевоқифлик билан берган. Ушбу алломалар орасида Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Махмуд аз-Замашарий, Қафқол Шоший ва бошқа қўллаб-қувватлаш мутафаккирларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам уларнинг асарлари бутун дунё тадқиқотчилари учун қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи давомида турли цивилизациялар туганган чорраҳа бўлиб келган. Бу заминдан машҳур Буюк Ипак йўли ўтган бўлиб, у орқали беҳисоб қарвонлар Шимол, Ғарб, Жануб ва Шарқ томон йўл олган. Кўп жиҳатдан айнан мана шу йўл туйғули бу ерда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарих, меъморчилик ва маданий меросни ўзида мужассам этиб, осмон остидаги музейларга айланиб қолган шаҳарлар пайдо бўлган ва тараққий этган. Тошкентда халифа Усмон ибн Аффон томонидан VII асрда яратилган муқаддас Куръон китобининг энг қадимги нусхаси сақланиши бу шаҳарнинг дин, фан, таълим ва маданият тараққиётида бекиёс ўрин тугишига яна бир далилдир.

Ўз мактубида муаллиф, шунингдек, Марказий Осиё билан араб дунёси ўртасидаги илмий-маданий кўприкни яратган Мо-вароуннахр олим ва мутафаккирларининг ислом цивилизацияси ривожига туганган ҳақиқатларни эътибор қаратган. «Минтақадан етишиб чиққан олимлар халқлар манфаатларига хизмат қилаётган давлатлараро алоқаларнинг юксалиши учун асос яратиб берди.


Мен Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг буюк аждодлари юбилейларига бағишланган тантаналарни ўтказиш, ҳозирги авлодга етиб келган бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлаш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирларни юксак баҳолайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ислом ва араб дунёси билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлашимни айтиб ўтмоқчиман.

Сўзининг якунида эса Президент Ислам Каримовни, республика ҳукумати ва бутун ўзбек халқини ISESCOнинг тарихий қарори билан қўллаб, барчага тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан», — деб ёзди Солиҳ Ҳошим.

«Жаҳон» АА.

Юртимиз галлакорлари ва деҳқонлари диққатига!



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

галла йиғими мавсумида қатнашаётган барча меҳнаткашлардан 2007 йилнинг 20 августига қадар 6 ой муддатга очилиб, йиллик 26 фоиз ҳисобидан даромад тўланадиган

«Ҳосил-2007»

жамғарма омонатига маблағлар қабул қилишни давом эттиради.

Сиз «Ҳосил-2007» жамғарма омонатига маблағларингизни «Пахта банк»нинг исталган филиалига қўйишингиз ҳамда улар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Шу билан бирга «Пахта банк» республикамизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизга қўлай ва манфаатли бўлган «Сармоя-1» жамғарма омонати ҳамда «Даромад» муддатли омонат турларини ҳам тақдир этади.

Ушбу омонат турларига маблағлар сақлаш муддати тугаган омонатларни қайта расмийлаштириш орқали ҳамда нақд пулда 1 ойдан 1 йил муддатгача сақлаш шарти билан қабул қилиниб, йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонатлар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз! «Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиригиз!

«Пахта банк» — муваффақиятингиз калитидир!

УЛЬЯНОВСКИЙ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДАНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташуви учун махсус УАЗ-39625.

Қўшимча кабинали УАЗ 39094.

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажли УАЗ-3909, 4х4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қуриш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) ва унинг ҳудудий филиали томонидан бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган қўйилмоқда:

- Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан очик аукцион савдоларига қўйиладиган қўчмас мулк объекти қўйилмоқда:
 

Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 22 ноябрдаги 11-0607/12644-сонли суд буйруғига асосан хатланган «Паркент ИКМК» ОАЖга тегишли, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ёшлик кўрғонда жойлашган, 1983 йилда қурилган, 2 қаватли, умумий майдони 720 кв.м. бўлган маъмурий бино ҳамда 1985 йилда қурилган, умумий майдони 781 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш ҳудудидан иборат бино ва иншоотлар.

Бошлангич баҳоси — 75 381 291 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 17, 24, 31 июль ва 7, 14 август кунлари соат 11.00 да ушбу қўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги қўчмас мулк объекти билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоқиф жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев к., 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Республика Кўчмас мулк биржаси, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.
- РКМБ Самарқанд вилояти филиали томонидан қўйиладиган қўчмас мулк объекти аукцион савдоларига қўйилмоқда:
 

Самарқанд вилояти Жомбой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бағдодда нотинчлик

киши ҳалок бўлиб, 200 дан кўпроқ одам оғир жароҳатланди. Маълумотларга қараганда, портловчи қурилма юк автомашинасига қўйиб кетилган. Ҳуқуқи муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ва касалхоналар ходимлари ҳалок бўлганлар соғи ошиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Сўровнома натижаси

Ақсарият европаликлар дунё барқарорлигига АҚШ хавф солиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича «Харрис Интерактив» маркази томонидан ўтказилган сўровномада кўпчилик шундай фикр билдирди. Сўровномада испанияликларнинг 46 фоизи, германияликларнинг 32 фоизи, французларнинг 31 фоизи, англияликларнинг 30 фоизи ва италияликларнинг 21 фоизи ер юзидеги барқарорликка АҚШ раҳна солаётганини таъкидлаган. Ун бир фоиз америкаликлар ҳам шундай фикрда.

Картер Ғарбни айблади

АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер «Оқ уй» маъмурияти ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарларини Фаластин муқториятини бўлиб юборишга ҳаракат қилганига айблади. «Ассошиэйтед прес»нинг хабар беришича, собиқ президент Ирландияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган анжуманда шу сўзларни айтган.

Ғазони тарк этишмоқда

Фаластиннинг Ғазо секторидан Украина, Россия, Беларусь, Молдова фуқароларини кўчириш бошланди. Мамлакатда ҳарбий операцияларнинг амалга ошириладиганлиги бунга сабаб бўлмоқда, дея хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. Маълумотларга кўра, айни пайтда Исроилдан 155 нафар Россия, 20 нафар МДҲ мамлакатлари фуқаролари олиб кетилади.

Кема қачон қўнади?

«Атлантис» шаттлининг Ерга қўниш-қўнмаслиги об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ. Бу ҳақда НАСА мутахассислари ОАВга берган маълумотларда айтиб ўтилди. Режага кўра, кема бугун Флоридада қўниши керак. Метеорологларнинг билдиришича, айнан шу куни космодром тепасида кучли бўрон рўй беради. Мабодо об-ҳаво инжиқлик қилса, у ҳолда шаттлининг қўниши жума кунига қолдирилади.

Шаҳар мэрининг қарори

Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг Республикачилар партиясидан чиқгани билдириди. Мутахассислар фикрича, энди у президентлик сайловларида мустақил номзод сифатида қатнашиши мумкин. Шаҳар мэрининг ўзи 2008 йилда ўтказиладиган президентлик сайловида номзодини қўймаслигини билдирган бўлса-да, айрим сиёсатчилар у албатта сайловда қатнашади, дейишмоқда. Блумберг анчадан бунён Демократлар партиясига азвоси бўлган эди. Бироқ у Нью-Йорк мэри лавозимини эгаллагандан кейин Республикачилар сафига қўшилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги 14-06-07/4744-сонли ижро варақасига асосан хатланган «1-сон МКК»га қарашли, Жомбой тумани, Промзона манзилида жойлашган, 1966 йилда қурилган, фойдаланишга яроқсиз маъмурий бино.

Бошлангич баҳоси — 38 058 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 29 июнь, 16 ва 31 июль кунлари соат 11.00 да ушбу қўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу объект бўйича «Зарафшон» газетасининг 2007 йил 29 майдаги 64-сон ва «Самарқандский Вестник» газетасининг 2007 йил 30 майдаги 42-сонда хабарномалар чоп этилган.

2. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2006 йил 4 августдаги 14-06-10/7963-сонли ижро варақасига асосан хатланган «GREEN STAR» МЧЖга қарашли, Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 53/60-уйда жойлашган қўйиладиган (маъмурий бино, мехмонхона, айвон (молхона), ҳаммом, омборхона, қоровулхона, омборхона, цемент омборхонаси, девор, ер усти цистернаси, ер ости цистернаси, бетон майдон, асфальт майдон ва иккиламчи полимер махсулотларини қайта ишлаб гранулалар ишлаб чиқарувчи технологик линия)дан иборат ишлаб чиқариш базаси.

Бошлангич баҳоси — 170 319 900 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йил 10, 26 июль ва 10 август кунлари соат 11.00 да ушбу мулклар сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу мулклар бўйича «Зарафшон» газетасининг 2007 йил 9 июндаги 69-сон ва «Самарқандский Вестник» газетасининг 2007 йил 9 июндаги 45-сонда хабарномалар чоп этилган.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевоқиф жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, «Бўстонлик» кўчаси, 85-«А» уйда жойлашган Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг ДАТ «Асакабанк» Самарқанд вилояти филиалидаги МФО 00264, ИНН 200933850, 20210000500571452071 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, «Бўстонлик» кўчаси, 85-«А» уй. Телефонлар: 210-08-90, 233-80-56. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

Айтайлик, кимдир хатоликка йўл қўйди. Ҳазонинг ҳақ деб санаб, ўзгани ранжитди. Уйга келгач, йўл қўйган хатосини ўйлаб, изтиробга тушди. Тўни билан ухломмай чиқди. Уни нимадир азоблар, гўё ич-ичида яшириниб олган кимса «Тонг отиши билан унинг ёнига бор, узр сўра, ноҳақлигини тан ол», дейётгандек эди. Уйлаб қолди, уни азобга солаётган ҳис нима ўзи? Англидики, бу унинг виждони экан!

## «ВИЖДОНИНГИЗГА ҲАВОЛА...»

Виждон... У шунчалик ҳушёр ва одилки, беихтиёр хайратга тушамиз. Агар у бўлмаганда эди, биз хатони қилиб жимгина кетаверардик, оқибатда хато устига хатолар жам бўлиб, аҳолимиз танг ҳолга келарди. Ёхуд гуноҳларимиз кўпайса-да, тавба қилишни, узр сўрашни унутардик, охири-оқибат беҳад жабр торган булармидики. Хайриятки, виждон бор! У хатоларни тузатишга ундайди, гуноҳлардан пок бўлиб қўришга чорлайди, бизни тинмай тазкиб қилавермайди, то инсонийлик сари юз бурмағунимизча тинч қўймайди.

Чингиз Айтматов асарлари-

ди... Қилмишига яраша жазо олди. Қамалди. Бир йил, икки йил... Мана шу вақт ичида у виждонини ҳуқуқда бўлади. Кечмишларини бир бошдан ўйлайди, хатосини англайди, сўнг бир хулосага келади. «Энди яхшиликлар йўлидан бораман!» дея ўзи-га сўз беради. Демак, виждон галаба қилади!

Хуллас, виждонимиз биз учун энг буюк тарбиячи, хатти-харакатларимизни энг одил баҳолавчидир! У бор экан, биз зулмат йўлидан чекинамиз, кўнглимиз бруттиққа тушиб, ҳаётга завқ-шавақ билан кириб борамиз, эртанги кунга ишонч ила қараймиз. Буларнинг бари бизни оқил,

## Сиз бунга нима дейсиз?

нинг бирида шундай фикр бор: «Агар сен бугун кимнингдир дилини оғритсанг уйга келиб тинчгина ухласанг, демак, қачондир бирорнинг кўксига пичоқ санганингдан хотиржам яшайверсан. Ҳа, виждонингга кулоқ солишни ўргани!»

Бир сўз билан айтганда, виждон дилимизда яшаётган ва яхшиликларга ундовчи ботиний қонундир. Ана шу қонун тўғрисида кўп оқибатда, ноҳақликларни тарозига солиди, бизга йўл-йўриқ кўрсатади. Базан давраларда ким биландир тортишиб қолсақ ва рўйрагимиздаги қандайдир кимга сўз бермай ўзиникини маъқуллаб турса, биз унга «Майли, ўйлаб кўринг, бу нарса сезинг виждонингизга ҳавола» деб қўя қоламиз. Негизда Чунки, виждон ўз соҳибига ҳақ йўлини кўрсатади, оқни оқ, қорани қора дейишга ўргатади. «Мен кимман? Инсон бўлиб дунёга келганман лекин инсондек яшаманми? Шанъимга доғ туширмадимми? Хатти-харакатим бошқалар томонидан қандай баҳоланяпти? Хулқим, одобим ўзгаларга маъқулмики?» Виждонини киши ўзига ана шу саволларни бериб яшайди. Ва ўзидан ижобий жавоб тополмаса, хатти-харакатини ўзгартиради, яхшилик томон йўл солади, гузал фазилатларини ўлаштиради, ёлғондан чекиниб, ростлик сари из боради. Виждони оғоҳлигида ўзини тузата боради.

Кимдир жиноят қўйсига кир-

илмли, ҳалол, фидойи бўлишга ундайди.

Муборак Ҳадисларда келтирилишича, жаҳл келганда ўзини босиб тура олган одам дунёдаги энг қучли одам экан. Ҳа, виждон дили беҳуда оғритган киши эса энг гуноҳкор саналаркан. «Дилдорлик кечирилмайдир», дейилади Ҳадисларда. Шундай экан, бирорнинг дилига озор етказишдан сақланиллик.

Ривоят қилишларича, бир савдогар тижорат қилиш максатига эришганда, қўлида бўлган маҳсулдан узоқ сафарга жўнабди ва анча йилдан сўнг уйига қайтибди. Эшикни очиб, уйга кирсаки, ҳамма уйқуда, аёли қорхонасида қоп-қора сочили бир йилгит ҳам улаётганмиш. Дарров пинчоғини қўлидан чиқарибди, бироқ шу заҳоти ич-ичида кимдир «Сабр қил, аввал суриштири!» дегандек бўлибди. Шунда унинг ич-ичида қандайдир бирор нарса бўлибди, аёли ётган уйдаги йилгит ўзининг ўғли экан!

Сафардан қайтиб келганда, йилгитга айланган жижиртасини сал бўлмаса пичоқ билан... Савдогар тундаги ниятини ҳеч кимга айтмабди-ю, лекин ич-ичида «одамга кулоқ солганидан сўноиб шукр қилибди. Ана, виждон ҳуқуқига бўйсунганининг ҳосияти Бемаъни ҳаёт кечирган киши умри охирида ўз гушаи монлигини яқинларига айтиб, ўзини тавба қилади. Негизда, сўнгги нафаси чоғида тавба қилиш ва изтироб чекиш ҳам ҳаёт давомида виждонга хилоф ишларни бажаришнинг оқибатидир.

Инсон яшар экан, доимо ўз виждонини олдига ҳисоб бериб туришга одатланмоғи зарур. Шундангина у чин инсонлик шартларига амал қила билади, шанъига доғ теккизмайди, пок виждон билан яшайди. Бундай инсон эл-юрти учун ҳам ардоқлидир. Ҳа, виждон ҳар кимнинг кўзгусидир, унинг қатъий суроқлари борлигини унутмаслик даркор. Шундай эмасми?

Зойиндин ИСАМУҲАМЕДОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси.

## И.М.ГУБКИН НОМЛИ РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

2007/2008 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА


АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- нефть ва газ қудуқларини бурғулаш;
- фойдала қазилма қонларини излаш ва қидиришнинг геофизик усуллари.

Абитуриентларнинг қабул бўйича аризалари филиал қабул комиссиясига тақдим этилади.

Аризага қуйдаги ҳужжатлар илова қилинади:

- умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 086-Ушаклдаги тиббий маълумотнома.



Абитуриентлар ҳужжат топшираётганда паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатадилар. Қабул бўйича аризалар 18 июндан 2 июлга қадар қабул қилинади. Қабул 2 июль кунини соат 13.00 гача давом этади. Кириш имтиҳонлари ва филиалга қабул 3 июлдан 16 июлга қадар амалга оширилади.

Кириш имтиҳонлари қуйдаги фанлардан ўтказилади:

- математика (ёзма);
- физика (ёзма);
- рус тили (тест).

Кириш имтиҳонлари И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети илмий кенгаши томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилади.

Филиалга кириш имтиҳонлари ва ўқиш рус тилида амалга оширилади.

Давлат гранти асосида ўқиган филиал битирувчилари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси қорхона ва ташкилотлариغا ишга тақсимланади.

Абитуриентларнинг ариза ва ҳужжатлари қуйдаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20-уй,  
Тошкент автомобиль йўллар институтини бош биноси.  
Маълумот учун телефонлар: 132-15-24, 152-77-47.  
Интернет манзили: www.edu.uz

## «ХУНАР»И ЎТМАДИ

Чирчилик солиқчилар шаҳардаги «Умид Ш» хусусий фирмасига қарашли ошхонада қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Шу асно шохба сотувчиси Татьяна Малишеванинг хуфёна қилмиши фош этилди. Маълум бўлишича, бу аёл бирор рухсатнома-сиз спиртли маҳсулотлар сотаётган экан. У ишлаётган расталар кўздан кечирилганида, умумий қиймати 428450 сўмлик ичимлик борлиги аниқланди.

Бугунга келиб 44 ёшни қоралаган бекободлик Нуриносо Ҳамидова кўза кунда эмас, кунда синишини жуда яхши билади. Шунга қарамай, у мўмай даромад орттириш илинжида гардакмига иш юритган. Ўз уйи оմборхонасига 1,5 литрлик 1400 донна елим идишга солинган 2100 литр спиртни яшириб қўйган экан. Аммо «харидоригр моли»ни зимдан пуллашга

улгурмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда рейд ўтказган шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари унга «халақит» беришди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, оմборхонадаги жами спирт 5 миллион 670 минг сўмга баҳоланди. Сўнгра барчаси дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, оմборхонадаги жами спирт 5 миллион 670 минг сўмга баҳоланди.

Сўнгра барчаси дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, оմборхонадаги жами спирт 5 миллион 670 минг сўмга баҳоланди. Сўнгра барчаси дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, оմборхонадаги жами спирт 5 миллион 670 минг сўмга баҳоланди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.


## Қилмиш — қидирмиш

УЗБЕКСКО-ЛАТВИЙСКОЕ СОВМЕСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ



Производство мебели на заказ:

- спальни
- стенки
- офисная мебель
- мебель для учебных заведений



г. Ташкент, ул. Магазин-Мавзук, 254.  
Тел.: 398-52-06 (офис), 398-08-97 (маг.),  
300-68-88 (сот.). Факс 148-10-35.

Товар сертифицирован

## «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газевейс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуқуқдаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.  
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- Тошкент ш., «Миробод» (собик «Госпитал») бозори, sanoat моллари қаторидаги 1-дўкан. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
- Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

## Кўшма қорхона

тендер асосида иккита ўз энгил автомашиналари сотилиши ҳақида эълон қилади:

- «Тойота Ланд Крузер», 1996 йилда ишлаб чиқарилган, 408 минг км. юрган, бошланғич нархи — 30 млн. сўм.
- «Дэу Нексия», 2002 йилда ишлаб чиқарилган, 196 минг км. юрган, бошланғич нархи — 8 млн. сўм.



Энгил машиналар яхши ҳолатда.

Энгил машинани кўздан кечириб аввалдан буюртма асосида 22 ва 25 июнь кунлари соат 17.00 дан 18.30 гача Тошкент шаҳри, Туроб Тула кўчаси, 1-уйда амалга оширилади.

Конвертга муҳрланган тақлифлар 2007 йил 28 июнь кунини соат 16.00 га қадар қабул қилинади.


Тендер якунлари 2007 йил 28 июнь кунини соат 17.00 да эълон қилинади. Энг юқори нархни тақлиф этган иштирокчи тендер қилиб деб топилади.

Маълумот учун тел.: 114-64-46, 114-64-44, 132-61-73, Мухримов Давлат.

## Хурматли юртдошлар! Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки сизларга пластик карточка — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни тақлиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ БУ —

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 14%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда ҳам пулингизни йўқотмайси.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда сугурта қилиш кўзда тутилган.



Бундан ташқари, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

«Саломатлик — 2007»	йиллик 21%
6 ойдан 1 йилгача	йиллик 17%
1 йилдан 3 йилгача	йиллик 17%
3 йилдан 5 йилгача	йиллик 17%
«Таътил — 2007»	йиллик 24%
«Умид»	йиллик 18%
«Юбилейный»	йиллик 18%
«Олтин куз»	йиллик 18%
«Харидор»	йиллик 12%
«Ипотека»	йиллик 10,5%
«Саховат»	йиллик 18%
«Соғлом келажак»	йиллик 18%
«Табассум»	йиллик 18%

Хорижий валютадаги омонатлар

АҚШ доллари

6 ойда (энг ками 3000 АҚШ доллари ва юқори)	йиллик 9,0%
6 ойдан 1 йилгача (энг ками 1000 дан 2000 АҚШ доллагача)	йиллик 6,0%
6 ойдан 1 йилгача (энг ками 2000 АҚШ доллари ва юқори)	йиллик 7,0%
6 ойда (энг ками 2000 АҚШ доллари ва юқори)	йиллик 8,0%
1 йилга (энг ками 5000 АҚШ доллари ва юқори)	йиллик 9,0%

Евро

1 йил (энг ками 300 евро ва юқори)	йиллик 3,0%
1 йилдан юқори (энг ками 1000 дан 5000 еврогача)	йиллик 4,0%
1 йилдан юқори (энг ками 5000 евро ва юқори)	йиллик 4,5%

Маълумот учун телефонлар: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26.

Хоразм вилояти Питнак шаҳар «Қурилиш материаллари комбинати» очик акциядорлик жамияти Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 5 июндаги 22-07-05-2336-сонли ҳал қилув иши қарорига асосан банкрот деб эътироф қилиниб, унга нисбатан тугатиш жараёни очилиб, суд бошқарувчиси эътиб А.Содиқов тасдиқланган.

Кредиторлик қарзлари бўйича 2 ой муддат ичида қуйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Хоразм вилояти, Питнак шаҳри, К.Отаниёзов кўчаси, 5-уй. Кредиторлар йиғилиши 2007 йил 26 июнь кунини соат 11.00 да жамият биносидан ўтказилади.

## «МЕХРЛИ САВДО» ШУЪБА ҚОРХОНАСИ

2007 йилнинг III чорадаги музлатилган 1-категорияли мол гўшти ва сариёғ маҳсулотларини сотиб олишга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тақлиф ва ҳужжатлар ҳар кунини соат 9.00 дан 17.00 гача қуйдаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15. Факс: 137-14-92.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибяти жамоаси маъсул ходим М.Н.Усмонова падари бузуқворни НУЪМОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-ўқув маркази жамоаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, фан ноэподи, доцент Мурод ТОЛИБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоқ касбаб уюшмаси марказий кенгаши темир йўл соҳаси фахрийси Мирҳалиқ ИСРОИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия изҳор этади.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибят 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териял ва операторлар Жамшед Тоғиев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Ортипов. Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев. Навбатчи — О. Файзиев. Мусакхҳч — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳа яқини — 20.40 Топширилди — 21.35 23456